

001858

Сув 1 м³ 400 (+НДС15%+100 сўм) сўм
Окава 1 м³ 350 (+НДС15%+100 сўм) сўм

23/56

-сонли шартнома

II Гурух истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«11» 01 2022 й.

Узбу шартнома "Тошкент шахар сув таъминоти" МЧЖ, кейнги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

шахсида, бир томондан ва кейнги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритувчи Устамб Ҳасанов Ш. Ш. рекорд Устамб. б. ш. (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хакида тузишли:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиши ҳажми учун тузилиш шартномаси мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гурух истеъмолчилари учун сув етказиши 1062,50 нарх бўйича 1062,50 м³ ни:

1 м ³ сув учун	400	22588,23	сум (+ККС 15%), + 100 сўм маҳсус устами хак)ни ташкил килмоқда
1 м ³ окава суюқлик учун	350	10989,84	сум (+ККС 15%), + 100 сўм (маҳсус устами хак)
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати		23999994,37	сўмни ташкил килди. (сумма ёзув билан)
Шу жумладан, бюджет маблағларидан			сўм, бюджетдан ташқари
маблағларидан	23999994,37		сўм бюджетдан ташқари маблағлардан

тўланиши кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган ҳисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги оркали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда баркарор таъминлайди. Узбу стандарт назорати Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф қийматида (ККС ни ҳисобга олган холда) хўжалик-маший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар узбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июндаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ва Тошкент шахар хокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм маҳсус устами хак жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиби бериш ва оқава сув чиқариши тизимига уланиши учун руҳсат этувчи хўжжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» узбу шартномага, унинг тасаррufидаги барча обьектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастр нусхасини тақдим килади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор килади.

II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, хөвлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташкири сув сепини, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиши учун фойдаланиши катъян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маший эҳтиёжлари, ёнғинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариши жараёнлари учун мўлжалланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган холатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик сувини марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармокларидан сув олиб, оқава сувларини "Истеъмолчилигин" канализацион тармокларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариши шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Коидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агнетлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоги сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасинин ечиш, киёслашдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол килинганда, "Таъминотчи" сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, узбу кўрсатма бажарилмагандан, ҳисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул килинмайди ва ҳисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартиби амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш курилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан факат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хўжжатларни иловга килган холда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буортмасига асосан, амалдаги месъёр, коидалар ва бошқа месъёр хўжжатлар асосида лойихалаштириш ташкилоти томонидан уланиши лойихаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга тушарлиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва курилши ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариши хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариши қисмларининг техник холати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизимлари, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиши курилмаси бўлиб, у коммунал тармокдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиши нуктасидаги сув чиқариши кудуги бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариши оқава кудуги магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг кучи ва маблаги ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Истемолчининг хукуклари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва окова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соглигига, мулкига хавф тутдирмайдиган даражадаги сифат ва міндорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истемолчи" хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармоклари га хизмат қўрсатиш талабларини бажармаганилиги учун "Таъминотчи"дан конунгчилликда ва шартнома шартларида кўрсатилган міндорда жарима (пеня)лар тўлашини талаб қилиш;
- г) "Гаъминотчи"ни шартномамни бекор қилиши тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича қўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиши;
- д) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили оркали) белуп олиш;
- е) "Гаъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши хакидаги маълумотларни белуп олиш;
- ж) ичимлик сув таъминоти ва окова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувни билан таъминланмаганилик (сифатиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вакт) учун қайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш;

3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва окава тармоклари ва курилмаларининг мувофиқ равиша кўриклинишини, уларга сув тошиши ёки тикастланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, кудук копкокларини кор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудулардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнгинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) "Истемолчи" худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, окова тармоклари ва курилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига ҳамда сув қувури, окава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, окава тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик.

г) коммунал сув қувури, окава тармоклари ва курилмаларининг транзит нуқталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳакида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;

д) сувни хисобга олиш приборларидаги яккор кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиди ташланганилиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда хисобга олинмаган ёнгинга қарпи гидрантлар мавжудлиги ҳакида дархол ёзма равиша ёки арока тармоклари (факс, электрон почта) оркали "Таъминотчи"га хабар бериш;

е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ёки олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи" жорий ойнинг охириги кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиши ва тўловини амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган міндордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва окава сувларининг мельёрдан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;

ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳакида хабардор қилиш;

и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва окава тармоклари, курима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш окава сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини мельёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) окава тармогига тушириувчи сувларининг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) "Истемолчи" худудида жойлашган сув ўтлаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва окава тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига берегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказгани "Истемолчи" дархол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланиши бартараф этиш ва бехуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг хукуклари:

а) "Таъминотчи" куйидаги ҳолларда, истемолчини 7 кун аввал хабардор килган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришини тўлиқ ёки кисман тўхтатиш хукукига эга:

б) "Истемолчи" худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатишни ва окава тармоклари, мослама ва курилмаларининг техник ҳолати кониқарсиз ҳолатда бўлса ва "Истемолчи" техник фойдаланиши кондадарини бузип натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмас;

в) "Таъминотчи"нинг вакили истемолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги бўлган сув узатишни ва окава тармоклари, мослама ва курилмаларидаги ишларни олиб бориш, тамға ўрнатилгана ва бошқа ишларда "Истемолчи" томонидан асосиз халакт берилган тақдирда;

г) "Таъминотчи" томонидан режали олдинни олиши таъмирлаш ишларини, сув ўтказишни ва окава тармокларидаги ишларни бажарилишида, "Истемолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истемолчи" ларни улап учун ишларни ўтказишда;

д) "Истемолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истемолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) "Истемолчи" ўрнатилган муддатлarda тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;

ё) "Истемолчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг "Истемолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини бергандага;

ж) "Истемолчи"ларни уланиб олган суб-таъминотчиларнинг "Истемолчи" тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига таъминоти тўхтатилганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнгин чинкан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равиша давлат сув таъминоти ва канализация тармоклари, истемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармокларини ҳолатини ва ишни тизимли назорат қилишини амалга ошириши ва уларни тўғри ишланиши ташкид этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истемолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланиши аниқланиши, сувни етказиб бериши ва истемол қилишини катъий назорат қилиши ва хисобга олиши, саноатга мувофиқлигини мунтазам равиша назорат қилиши ва уларга тенглаштирилган сув истемол қилиш чекловларига риоя қилишини назорат қилиш;

г) "Истемолчи"ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув кувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлабётганинги текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини анилаган холда) бир ойда кўпич билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган холларида, жарима яъни пена тўловларини амалга ошириш;
ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъбий-хукукий ва бошқа хўжатларнинг кабул килингандиги хакида "Истеъмолчи"ларни хабардор килиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўқлиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиқкан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳакиқий зарарнинг ўрнини коплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қўйидагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаш курилмасидаги тамгалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламалари даги қисмларнинг ўнинг худудида ва тасарутида бўлган тамгаланган хисоблаш курилмаларининг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз боппимча уланиб олиш, совуқ сувни хисобга олиш курилмаларининг қасдан бузилишига йўл кўйиш ҳамда сув хисоблаш курилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган холда ўзгартирishi ҳолатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" худудида жойлашган окава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл кўймаслик. Ушбу Коидабузарлик аниклантанда "Таъминотчи" ходими ўрнатилган тартиба далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади.

4.3 "Таъминотчи" кўйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъбий-хукукий хўжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларидаги ўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига уланиши ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиши учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим килинни учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, коплаш;

г) шартнома шартлари ва юклстилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (кабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаш курилмаснинг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2. Окава тизимида келиб тушувчи окава сувнинг миқдори, шахар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлантан холда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмолчилинига совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, окава сувларнинг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатта олинган хисоблаш курилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект заси ўзгарганда истеъмолчи чиқишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларни узаб, бу ҳақда Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор карзлорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зинмасига юкланди.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-окава хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олиниди.

6.3. Етказиб берилган ёки кабул килинган ичимлик суви хажми кувурнинг ўтказиш кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q=Mx F x \sqrt{2g x H} x t$$

бунда: M – 0.60га тенг бўлган зулфин оркали сув сарфи коэффициенти;

F – суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вакт- 24 соат, секундларда;

Кўйидаги ҳолатларда:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми ушбу шартнома 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч хисоб-китоб ойидаги ўртacha сарф бўйича аникланди. Хисоб-китобининг бундаи тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II турух истеъмолчилари учун ушбу Коиданинг 87-«б» банди бўйича хисоб-китоб килинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истроф бўлиши ҳолатлари аникланди ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талаабномаси кондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг хисоб-китобини олиб бориши бўгинидаги кўйилган химоя копламига рухсатсиз тегилиши натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниклаш имконияти чегараланганди;

6.4. Ичимлик суви ва окава сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиши гидрантлари ва хонадон кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниклантанда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиши узаб кунга кадар хисобга олиниди.

-ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу хақда матдум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансдаги тармоқларга уланиши содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белтиланган муддат тутагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини якунлапта асос бўлади.

6.6. "Истъемолчи" коммунал сув таъминоти ва окава сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиши санаси хакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда "Таъминотчи" томонидан, хоким қарори ва кадастр хужжатлари ва шу кабилар асосида, хужжат билан тасдиқланган уланиши санаси бўйича хисоб-китоб килишга хаклидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул килинган окава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истъемолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичика аспектсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. "Истъемолчи" хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўллиминларининг қирим кассаси орқали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичига тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кениги ой хисобига кўшилади. Агар "Истъемолчи" иккى хафта муддат ичига тўловни амалга ошириласа, "Таъминотчи" ҳеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб берипши ва окава сувларни чиқариб юборишни карз ундиримагунга қадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай холларда ёнғиндан сакланиши ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истъемолчи" зиммасига юклитади. Сув таъминоти ва окава сув чиқариши тизимидан илгари узиб кўйилган холларда қайта улашда II гурух истъемолчиларидан энг кам ойлик иш хакининг 10 (ўн) баробарини микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиши орқали ундирилади;

Канализация тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркни кор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш окава сувларини "Истъемолчи" лар томонидан ташлантириштада оғохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб берипши ва окава сувларни чиқариб юборишни карз ундиримагунга қадар тўхтатиб кўйиш хукукига эга. Бундай холларда ёнғиндан сакланиши ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ "Истъемолчи" зиммасига юклитади. Сув таъминоти ва окава сув чиқариши тизимидан илгари узиб кўйилган холларда қайта улашда II гурух истъемолчиларидан энг кам ойлик иш хакининг 10 (ўн) баробарини микдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиши орқали ундирилади;

6.10. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганини (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганини) ва шу каби холатлар (тарифларнинг нотўғри қилинганини) таъминотчи тақдирда, "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътироznома "Истъемолчи"ни тўлов хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиши тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда иккى томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги а муовфиқ Тошкент шаҳар туманлараро иктиносиди судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартиба ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч (форс мажор) холатлари (зилзила, сув тошкни, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал киради, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичига бошқа томонни форс-мажор холати бошлиланган муддатларни кўрсатган холда ёзма равинида оғохлантириш лозим.

8.3. Агар форс-мажор холатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилк килса, томонлардан бири шартномани бекор килиш хукукига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиши муддати

9.1 Ушбу шартнома иккى нусхада тузилган бўлиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўллиминларидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202_йилининг 31 декабригача амал қилиади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ
Тошкент 100060, Фидокор 2

Тел: 252-19-68, 252-60-79

Факс: 252-19-44

ООО "TOSHKENT SHAHAR SUV TA'MINOTI"
100060, Республика Узбекистан, г. Ташкент,
ул. Фидокор, дом-2 Тел: 71-252-19-55, 71-252-19-65
Р/с: 2263 8000 4001 0149 9503
АГИБ Ипотека банк в Мехнатский филиал
МФО: 00423 ИНН: 201 052 713 ОКАД: 36000
код НДС: 326010005341

Рахбар *Шоакрамов Р.М.*
М.ў. (Ф.И.Ш., имзо)
«___» 202_ й.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий асоси тўгрисида"ги
Қонун талабларига муовфисизлиги

Хукукнина

Министр **TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI**
Тел: **100011. Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy**
Банк **O'z. Res. Moliya Vazirligi G'aznachiligi**
Банк коди **13402000300106001010 STIR: 201122919**

ХХТУ **Markaziy bank XKKM Toshkent shahar BB**
Шахсон рахамат **Shaxson rakhmati**
Номер таъсир **400910860262777094100079001**
Банк **100011. Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy**
Банк коди **13402000300106001010 STIR: 201053370 OKONX: 92110**

Рахбар *М.ў. Р.М.*
(Ф.И.Ш., имзо)
«___» 202_ й.

Юридик хулоса:

Бони юриб! Р.М. Рахамат

«___» 202_ й.